



PhD Нилуфар АМИНОВА

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ИСЛОМ МОЛИЯСИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молияси моделидан фойдаланиш амалиёти таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада ислом молиявий инструментларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъанавий молиявий инструментлардан фарқли жиҳатлари ёритилган. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ислом молияси моделидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ислом молияси, ислом банклари, ислом молия тизими, молиявий хизматлар, ислом молияси тамойиллари, инвестиция, сукук, мушарака, мудараба, салам, истисно.

POSSIBILITIES OF USING ISLAMIC FINANCE IN ACHIEVING THE GOALS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Abstract. This article analyzes the practice of using the Islamic finance model in the financing of investment projects. Also, the article highlights the unique features of Islamic financial instruments and their differences from traditional financial instruments. The possibilities of using the Islamic finance model in achieving the goals of sustainable development in Uzbekistan are analyzed.

Keywords: Islamic finance, Islamic banking, Islamic financial system, financial services, principles of Islamic finance, investment, sukuk, musharaka, mudaraba, salam, exception.

Кириш

Янги Ўзбекистон барқарор ривожланишининг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалардан ҳам кўриш мумкинки мамлакатда жадал равишда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётгани, молия секторини

ҳам ривожлантиришга ва янги манбалар билан бойитишга алоҳида аҳамият қаратилган. Ана шу мақсадда жаҳонда оммавийлашиб бораётган, айниқса, тараққий этган Европа мамлакатлари ва АҚШда фаоллашиб бораётган Ислом молияси модели инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда алоҳида ўрин касб этади.

Жаҳонда ислом молияси асосида банк ва молия хизматларини кўрсатиш кўлами юқори суръатларда кенгайиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда анъанавий хизмат турлари билан бирга муқобил ва самарали тизим сифатида шаклланмоқда. Мазкур молиялаштириш усулида инвестиция лойиҳаси иштирокчилари ўртасида фойда ҳамда рисклик даражасининг келишув асосида мутаносиб тақсимот қилиниши потенциал инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Ислом молия хизматлари кенгашининг ҳисоботида кўра, «2022 йилда глобал миқёсда ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми 3,25 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Инфляциянинг ўсиши, нефть ва хом ашё нархларининг кўтарилиши ҳамда геосиёсий даражадаги ноаниқликлар шароитида инвестицияларни ислом молияси асосида молиялаштириш ҳажми ўсиш суръати 2021 йилдаги 11,3 фоиздан, 2022 йилда 6,2 фоизга ўсган»[1]. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ушбу тизими иқтисодий инқирозларга қарамадан риск даражасининг мутаносиб тақсимланиши, иқтисодий манфаат билан ўсишдан ижтимоий самарадорликка аҳамият берилганлиги сабабли сўнгги йилларда ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини янада кенгайтириш, Ислом тараққиёт банки (ИТБ) молиявий ресурсларини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қулай шартлар асосида жалб этиш, тижорат банкларида «ислом дарча»лари фаолиятини йўлга қўйиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молияси амалиётига кенг тадбиқ этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш устувор вазифалардан ҳисобланади. «Қамада 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш»[2] вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифанинг ижросини таъминлашда инвестиция лойиҳаларини ислом молияси шартлари

асосида молиялаштиришни ривожлантиришга ички ва ташқи омилларнинг таъсирини баҳолаш, тижорат банклари томонидан ислом молияси бўйича хизматларни йўлга қўйиш механизмини такомиллаштириш, ислом молиясига асосланган халқаро молия институтларининг халқаро кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга молик масалалардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ислом молияси моделининг асосий хусусиятлари, экотизими ва афзалликлари бўйича бир қанча маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Хусусан, М.А.Маннан томонидан олиб борилган тадқиқотларда: «ислом молияси ва иқтисодиёти – бу инсонларнинг ислом шариати одатлари ва қадриятлари асосида иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм»[3], эканлиги алоҳида таъкидланади.

S.M.Hasanuzzaman томонидан ислом молиясининг ривожланиш босқичлари, келгусидаги истиқболли йўналишлари тадқиқ этилган. Олимнинг илмий тадқиқотларида ислом молиясига қўйидагича таъриф берилган: «ислом молияси – бу шариатга асосланган фикҳий ҳукмлар, қонун-қоидаларининг амал қилиши ҳисобланиб, ушбу молия тизими шариат қоидалари бўйича ҳаёт кечиришни мақсад қилган инсонларнинг молиявий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қаноатлантиришга хизмат қилувчи, молиявий-иқтисодий ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи тизим»[4].

Хуршид Аҳмад: Ислום иқтисодиёти бу иқтисодий муаммони тушуниш мақсадида тизимли ҳаракат қилиш ва бу муаммога инсоннинг исломий жиҳатдан бўлган муносабатидир[5]. М.Нажатуллоҳ Сиддиқи: Ислום иқтисодиёти бу исломий фикр юритувчиларнинг ўз вақтида бўладиган иқтисодий муаммоларга бўлган муносабатидир. Бу борада мусулмонларга Қуръони Карим ва суннат, шунингдек муаммонинг сабаби ва у бўйича тўпланган тажриба дастак вазифасини ўтайди[6].

ОТБ институти (Asian Development Bank Institute) тадқиқотларида ислом молияси ва иқтисоди ислом дунёқарашини ва ахлоқий тамойилларини акс

эттириши кераклиги таъкидланади. Шунингдек, ислом молиясига оид асосий шариат қоидаларига қуйидагилар киришини кўрсатади:

1. Пул ҳеч қандай ички қийматга эга эмас. У фақат айирбошлаш воситаси ҳамда товарлар, хизматлар ва мулклар қийматини сақлаш, баҳолаш воситаси сифатида ишлатилади.

2. Асосий эътибор реал иқтисоддаги фаолиятга, хавф ва фойдаларни тақсимлашга қаратилиши керак.

3. Алкоголли ичимликлар савдоси, пул тикиш, қимор ўйинлари каби ижтимоий бузғунчи ҳаракатлар тақиқланади.

4. Рибо (фоиз) ҳаромдир.

5. Ғарор (ноаниқ ва хавфли битимлар) тақиқланади[7].

О.Астанакулов: «Ислом молия тизими – ислом ҳуқуқи, бошқача сўз билан айтганда, шариат қонун-қоидалари асосида ташкил этилиш ва фаолият юритиш тамойилига эга бўлган банк тизимидир, яъни бу турдаги банкларнинг барча амалиётлари, масалан, депозит омонати ёки молиялаштириш билан боғлиқ амалиётлари ҳам шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлади. Ислом банкларининг бошқа амалиётлари: пул ўтказмалари, кафолат хатлари, аккредитивлари, чет эл валютасини сотиш кабиларга нисбатан ҳам бу қоидалар ўз таъсирини кўрсатади[8]».

А.Турсунов томонидан олиб борилган тадқиқотларда тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари кўриб чиқилган. Исломий банк хизматларининг турлари таснифланган[9].

Тадқиқот методологияси

Мавзуни илмий ўрганиш, тарихий-мантиқийлик, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида тизимли таҳлил, статистик таҳлил ва илмий абстракция, илмий шарҳлаш, назарий маълумотларни умумлаштириш ва абстракциялаш, статистик маълумотларга дастурий таъминот орқали ишлов бериш, кузатиш, тизимлаштириш, кузатиш, таққослаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар

Миллий иқтисодийнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда инвестицияларнинг аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Жаҳон иқтисодий

форумининг глобал рақобатбардошлик бўйича ҳисоботида (The Global Competitiveness Report) кўрсатилишича, асосий муаммолардан бири бизнесни инвестиция билан таъминлаш муаммоси ҳали ҳануз учрамоқда[10]. Шунинг учун айнан Ислом банклари томонидан таклиф қилинаётган инвестицияларни жалб қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ислом банк-молия тизимини татбиқ қилиш масаласи юртимиз тадбиркорлари томонидан узоқ йиллар давомида кутилаётган муҳим масала бўлса-да, аммо шу билан бир қаторда бу соҳани яхши биладиган мутахассислар ҳам, бу соҳада бошланғич зарурий билимларга эга бўлган тадбиркорлар ҳам жуда кам. Шу боис мазкур соҳада замонавий билимларни ошириш ва зарур тадқиқотларни бажариш масаланинг долзаблигини белгилаб берувчи омилларда ҳисобланади.

Шунингдек, бу соҳа билан боғлиқ равишда фаолият олиб борувчиларга ва қизиқувчиларга рационал асосда билимлар муҳим вазифалардан ҳисобланади. Юқоридаги асослардан ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, янги Ўзбекистон шароитида молиявий манбалари ва фаолият йўналишлари ҳамда хизмат турларли жаҳондаги замонавий ижтимоий-иқтисодий ва молиявий тараққиётга мувофиқ ривожланган Ислом банкларининг инвестицияларини жалб этишни рағбатлантиришга ва хизматларидан фойдаланиш зарурлиги келиб чиқмоқда.

Ислом молияси моделининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиришда Анъанавий банкчилик ва Ислом банкчилигининг фарқи, банк ва мижозлар муносабатларда ҳам ўз аксини топган.



1-расм. Анъанавий ва ислом банкчилиги хусусиятлари

Ислом битимлар/шартномаларни дахлсизлигига катта эътибор каратади ва низоларни олдини олиш учун шартлар, хукуклар ва мажбуриятларни ёритишни барча битим/шартномадаги томонларга юклайди.



2-расм. Ислом молиясида битимлар / шартномалар

Исломда шахнинг мулки муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Исломда шартнома тузаётган томонларга аниқ йуриқномалар берилган бўлиб, ушбу йуриқномалар орқали ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан бошқаларнинг мулкани ноқонуний ўзлаштириб олишнинг олди олинади.

Ушбу йуриқномалар фоиз (Рибо), ноаниклик (Гарар), кимор (Майсир) ва ҳалол бўлмаган шартномаларга олдини олади, чунки уларнинг барчаси бойликларни ўзлаштиришнинг ноқонуний усуллари ҳисобланади.

Tabarru' Хайрия мақсадли	NCC (Naturally Certain Contracts) Табиий равишда аниқ битимлар		NUC (Naturally Uncertain Contracts) Табиий равишда аниқ бўлмаган битимлар
Фойд олиш учун эмас	Савдо (Валютага айирбошлаш ва активга эгалик қилиш)	Ижара (Валютага айирбошлаш ва активдан фойдаланиш)	Инвестициялар (Рискларнинг мутаносиб бўлиши)
<ul style="list-style-type: none"> • қарз • Кафала * <p>* Баъзи олимлар Кафалага хизмат тури сифатида қарайди ва бунга комиссия тўлов олишга рухсат беришган. ААОIFI - % комиссиясиз.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Мурабаха товарлари • Мураба товари (Tawarruq) • Салам (форвард савдоси)* • Истиснаа (Куриш/ ишлаб чиқариш)* <p>* Мавжуд бўлмаган активларнинг савдоси, лекин уларнинг аниқ тавсифлари мавжуд.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ижара (оператив) • Ижара Мунтахийя Биттамлик (IMBT – сотиш билан яқунланадиган ижара) • Ижара Моусофа Би Зимма (IMBZ) * <p>* Мавжуд бўлмаган активларнинг ижараси, лекин уларнинг аниқ тавсифи мавжуд.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Мушарака: иккала томон ўз сармоясини киритади ва фойда / зарар тақсимланади • Мудароба: бир томон сармоя киритади ва иккинчи томон уни бошқаради. Фойда ўзаро бўлинади, зарар эса инвестор томонидан қопланади. • Вакала бил Истисмар: Инвестор сармоя киритади, вакил уни бошқаради. Фойда ва зарар киритилган сармоёга тегишли бўлади. Вакил сармояни бошқариш учун комиссия тўлов олиши мумкин.
<ul style="list-style-type: none"> • Сармоя кафолатланган. • Олдиндан белгиланган даромад мавжуд эмас. 	<p>Исломий молиялаштиришнинг хусусияти:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Даромад аниқ: Олдиндан белгиланган устама (Фойда + сармоя) • Савдо = Ўзгармас қилиб белгиланган устама • Ижара = Ўзгарувчан даромад даражаси бўлиши мумкин • Актив тўғрисида аниқ маълумот (яъни, гарар – ноаниқликни камайтириш учун) 		<ul style="list-style-type: none"> • Шариатнинг бошланғич тамойили: Адолатлилик (Сармоя кафолатланмайди ёки олдиндан фойда келишилмайди, зарар мутаносиб тақсимланади). • Сармоя кафолатланмайди. Фойдани тақсимлаш коэффициенти (PSR) ёки қутилаётган фойда аниқ бўлиши мумкин.

3-расм. Исломий молиявий битимларнинг хусусиятлари

Исломий молиявий битимларни хусусиятларидан келиб чиқиб 3 тага ажратишимиз мумкин бўлади. Хайрия мақсадли яъни фойда олиш учун эмас, аниқ битимлар яъни савдо ва ижара бўйича ҳамда аниқ бўлмаган битимлар яъни инвестициялар ҳисобланади.

Юқоридаги молиявий битимларни амалга оширишда банклар томонидан маълум бир турдаги маҳсулотлар орқали хизмат кўрсатилади. Кейинги расмда анъанавий ва ислом банкчилиги маҳсулотлари келтирилган.

Анъанавий банк махсулотлари	Ислом банки махсулотлари
Бизнес банкчилик	Бизнес банкчилик
Кредитлар	Молиялаштириш махсулотлари
Айланма маблағлар	Мурабаха, Салам
Асосий воситалар	Мурабаха, Мушарака, Ижара, Истисна
Лизинг	Мушарака, Ижара
Микрокредитлар	Мурабаха
Депозитлар	Инвестиция ҳисоб ракамлари
Жорий ҳисоб ракамлар	Вадиа, Карз
Муддатли депозитлар	Мудараба, Вакала
Бошка хизматлар	Бошка хизматлар
Банк Гарантияси	Кафала
Хорижий валюта айирбошлаш	Хорижий валюта айирбошлаш
Чакана банкчилик	Чакана банкчилик
Кредитлар	Молиялаштириш махсулотлари
Истеъмом кредитлари	Мурабаха, Ижара
Автокредит	Мурабаха, Мушарака, Ижара
Ипотека кредитлари	Мурабаха, Мушарака, Ижара
Кредит карточкалари	Карз
Депозитлар	Инвестиция ҳисоб ракамлари
Жамгарма ҳисоб ракамлари	Вадиа, Карз
Муддатли депозитлар	Мудараба, Вакала
Бошка хизматлар	Бошка хизматлар
Пул утказмалари	Пул утказмалари
Хорижий валюта айирбошлаш	Хорижий валюта айирбошлаш

VS

4-расм. Анъанавий ва ислом банкчилиги махсулотлари


Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг аксарият қисми диний эътиқоди Ислом дин эгасилигидан ислом молияси моделининг айрим жиҳатларини мамлакатимизда қўллашимиз инвестиция орқали молия бозорига маблағлар жалб қилишни жадаллаштиради.

Президентимиз 2024 йилнинг 20 августдаги тадбиркорлар билан очик мулоқотида ислом молияси модели хусусида таъкидлаб ўтдилар.

Ўтказилган сўровда тадбиркорларнинг 38 фоизи ислом молияси асосида ресурс олиш истагини билдирган. Ўтган ойда микромолия ташкилотларига исломий шартлар асосида хизмат кўрсатишга рухсат берилди. Тайёрланган янги қонун лойиҳаси қабул қилинса, ислом молияси билан банклар ҳам ишлаши мумкин бўлади.


Бу – янги молиявий хизматлар тақдим етилиши, кўп инвесторлар кириб келиши ва 5 миллиард долларлик қўшимча ресурс пайдо бўлишига туртки

беради [11].



5-расм. Ўзбекистонда ислом молияси модели бўйича ўтказилган сўровнома натижалари [12]

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели асосидаги молиявий хизматлар кўрсатиш 1960 йиллардан бошланган. Мазкур йилларда Яқин Шарқ давлатлари ҳамда Малайзияда Ислом тараққиёт банкининг ташаббуси асосида замонавий шариатга мос молиявий институтлар ташкил этилган. Шу даврдан бошлаб, глобал ислом молияси модели асосида кўрсатиладиган молиявий хизматлар бир неча ўн йилликлар давомида сезиларли даражада ривожланиш тенденциясига эга бўлди. Молиявий хизматлар натижасида ислом молияси активлари ҳажми 1990-йилларнинг ўрталарида 150 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда жами активлар ҳажми 2,5 трлн. АҚШ доллардан ошди.




6-расм. Инвестицияларни молиялаштириш бўйича глобал ислом молиявий хизматларининг ўсиш суръатлари, трлн. АҚШ доллари [13]

Глобал ислом молиявий хизматларининг ўсиш суръатлари ҳажми 2022 йилда 13,7% га, яъни икки хонали ўсишга эришди. Бу борадаги, жами бозор қиймати 2,56 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб, дунё аҳолиси чорак қисмининг молиявий эҳтиёжларини қаноатлантиришга эришилган. Бу борадаги молиявий хизматлар географиясида Яқин Шарқ, Африка ва Жанубий Осиё минтақаси давлатлари муҳим ўринга эга бўлди. Инвестицияларни молиялаштириш бўйича глобал ислом молиявий хизматлари саноатининг ўсиш тенденциялари ҳар йили икки хонали ўсиш суръатларини қайд этмоқда.

Ислом молияси моделининг асосий хусусиятларини кенгроқ тадқиқ қилиш мақсадида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молиявий хизматлар глобал экотизимини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу экотизим 3-расмда ифодаланган.

Ислом молиявий хизматлар глобал экотизимидан кўриш мумкинки, молиявий хизматларнинг ривожланиш эволюцияси даврида давлатлардаги миллий назорат органлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ислом молияси шартларининг аниқ белгиланганлиги, молия модели стандартларини замонавий тенденцияларга босқичма-босқич интеграция қилиш, институционал бирликларда соғлом корпоратив бошқарув механизми

принципларини жорий қилиш, асосийси ислом молияси тамойилларини назарда тутувчи ҳар томонлама қулай бўлган қонунчилик инфратузилмасини таъминлаш глобал миқёсда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молиявий хизматларининг ўсиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган.




7-расм. Ислам молиявий хизматлар глобал саноатининг экотизими [14]

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси моделининг асосий хусусиятлари сирасига «Қонунчилик ва тартибга солиш» жиҳатлари эътиборли эканлигидан келиб чиқиб, мазкур соҳада Осиё, Яқин Шарқ, Европа, Жанубий Африка давлатларининг ташаббусларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу борада, Малайзияда 2013 йил 30 июнда қабул қилинган ва кучга кирган «Исломий молиявий хизматлар тўғрисида»ги қонуни экспертлар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молияси бўйича дунёдаги биринчи қонун, деб ҳисобланмоқда. Шунингдек, Гонконг (Хитой)нинг қонунчилик кенгаши томонидан 2014 йил март ойида мамлакат ҳукуматида «Сукук» каби муқобил облигациялар орқали пул тўплашни

назарда тутувчи қонун лойиҳасини киритди. Бу борада, «бирламчи молия бозорида йиллик сукук эмиссияси сўнгги 2 йил ичида 350 млрд. АҚШ долларидан ошди. 2023 йилда ҳам бу тенденция давом этиши прогнозлари мавжуд. 2021 йилнинг биринчи ярмида глобал сукук ҳажми 286,4 млрд. АҚШ. долларидан ошган бўлса, мазкур кўрсаткич 2020 йилнинг биринчи ярмидаги 245,3 млрд. АҚШ долларидан 16,8 фоизга кўп демакдир. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ислом молияси маҳсулотлари асосида молиялаштиришда «такофул»нинг ўрни муҳимдир. Аммо, ҳозирга қадар жаҳон ислом молиясининг атига 1,0 фоизи ушбу молиявий хизмат турига тўғри келади» [15].

Мамлакатимизда ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бир қанча устуворликлари ва аҳамиятли томонлари мавжуд. Бу борада, ИТБ каби халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда (8-расм).



8-расм. ИТБнинг Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларидаги иштироки таҳлили [16]

8-расмга кўра, ИТБ томонидан ҳозиргача умумий қиймати 2,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi 123 та инвестиция лойиҳалари молиялаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг 57 таси тугалланган. 66 та инвестиция лойиҳаси фаол ҳисобланади. Таққослаш учун, Жаҳон Банки

гуруҳининг ҳисоб-китобларига мувофиқ, ИТБ томонидан республикамиздаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми мамлакатимиз ЯИМ ҳажмига нисбатан 4,04 фоизни ташкил этиши аҳамиятлидир.

Шунингдек, «қисқа муддатли ҳамкорлик давомида ИТБ гуруҳининг Ўзбекистондаги портфели кўп жиҳатдан Ҳукумат билан фаол ҳамкорлик туфайли жиддий миқдорда ўсди. Бу эса мамлакат инвестиция дастурлари қатор устувор миллий лойиҳаларини молиялаштиришни маъқулланишида намоён бўлди. Айти пайтда ИТБнинг Ўзбекистондаги портфели Марказий Осиё худудидан энг юқори (2,8 млрд. доллардан зиёд) ҳисобланади» [17].

ИТБ иштирокидаги Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларига мисоллар учун 1-жадвал маълумотларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда инфратузилма тармоқларини ривожлантиришга қаратилган М39 «Тошкент-Термиз» автомобиль йўлининг 1395 – 1400 км ва 1410 – 1426 км (21 км) қисмларини реконструкция қилиш лойиҳаларини молиялаштириш манбалари таркибининг 86 фоизи ИТБнинг капитал қўйилмалари ҳиссасига, қолган 14 фоизи республика бюджети маблағлари ҳиссасига тўғри келади.

Умуман олганда, инвестицияларни молиялаштиришда ислом модели оммаланиши ва фаолиятининг кенгайиб боришидаги яна бир хусусият – ислом моделига асосланган молия тизимида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш давомидаги рискларни тақсимлаш шартномаларининг хилма-хиллиги барча бошқа қарз олувчилар учун қулайлик туғдиради.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу мақола доирасида олиб борилган тадқиқот ва таҳлил натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ислום молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ривожлантиришда ислом банки ва анъанавий тижорат банкларидаги «ислом дарчалари» (молиявий хизматлар дарчаси) жисмоний ва юридик шахслар, хорижий ва маҳаллий молиявий ресурслар эгаларидан молиявий маблағлар жалб қилиш асосида муробаҳа шартномасидан самарали фойдаланиш

мақсадга мувофиқ.

2. Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лойиҳалар натижаларини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Баҳолаш натижалари келгусида тижорат банкларида жисмоний ёки юридик шахсларнинг ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

3. Тижорат банклари томонидан муробаҳа, ижара каби исломий хизматларини алоҳида шўъба молия муассасасини тузиш орқали жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда мамлакатимиз аҳолиси учун ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакиллари инвестиция лойиҳаларини ислом молияси маҳсулот ва хизматлари ичида энг кўп қўлланиладиган муробаҳа ва ижара (ислом лизинги) молия маҳсулотлари орқали молиялаштиришни ривожлантиришга эришилади.

4. Савдо соҳасидаги ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан Ислом молияси бўйича халқаро ташкилотларнинг алоҳида линияларини жалб этиш тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш орқали хом ашёларни 1 йилгача, асосий воситалар сотиб олиш эҳтиёжи учун 2 йилгача бўлган муддатга муробаҳа шартномаси орқали молиялаштириш лойиҳаларни молиялаштиришда рақобатни ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Islamic Financial Services Industry Stability Report 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони. Манба: lex.uz
3. Mannan, M. A. (1983). “Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues”. Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 41-50.
4. Hasanuzzaman, S. M. (1984). “Definition of Islamic Economics”. Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 51-53.

5. Ahmad, Khurshid (1992), “Nature and Significance of Islamic Economics”, in Ausaf Ahmad and Awan (eds.), Lectures on Islamic Economics. Jeddah: Islamic Development Bank.
6. Siddiqui, M. N (1992). “History of Islamic Economic Thought”, in Ausaf Ahmed et al. (eds.), Lectures on Islamic Economics. Jeddah: IRTI-Islamic Development Bank.
7. Asian Development Bank Institute. <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/226066/islamic-finance-asia.pdf>
8. Астанакулов О. Ислом молияси асослари: тараққиёт босқичлари, истиқболлари. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil.
9. Турсунов А. Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари. PhD илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Тошкент -2021 й. 59 б.
10. The Global Competitiveness Report 2022–2023. Available at: <http://www3.weforum.org/docs/GCR2023->
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти. 20.08.2024
12. “Analysis of Islamic Financing Instruments in Uzbekistan” – UNDP Survey conducted in 2023
13. <https://www.spglobal.com/ratings/en/research/pdf-articles/islamic-finance-outlook-2022-28102022v1.pdf> <https://www.mifc.com/-/islamic-finance-2022-2023-same-constraints-new-opportunities>
14. <https://www.spglobal.com/ratings/en/research/pdf-articles/islamic-finance-outlook-2022-28102022v1.pdf>
15. <https://www.spglobal.com/ratings/en/research/pdf-articles/islamic-finance-outlook-2022-28102022v1.pdf> <https://www.mifc.com/-/islamic-finance-2022-2023-same-constraints-new-opportunities>
16. ИТБнинг расмий веб-сафҳасидан: <https://www.isdb.org/uzbekistan>
17. © UNDP, 2020 (www.uz.undp.org) Ислом молия маҳсулотларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш ва қўллаш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш” лойиҳаси



International Journal of Finance and Digitalization

www.ijfd.uz

ISSN: 2181-3957

Vol. 3 Issue 04, 2024

доирасида тайёрланган таҳлилий хисобот.
https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/UZB_Lands_caping-IF-in-Uzbekistan_final.pdf